


**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Хоразм вилоят статистика**

**бошқармаси бошлиғи**

 **X.Мадаминов**

**2018 йил «4» январ**



**Хоразм вилоят статистика бошқармаси  
«Нарх статистикаси» бўлимининг**

**НИЗОМИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилоят статистика бошқармасининг «Нарх статистикаси» бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) Хоразм вилояти статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси хисобланади.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси хисобланади.

3. Бўлим фаолияти ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини хисобга олган ҳолда илмий методологияга, ҳалқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини кондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишни таъминлашга йўналтирилган.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига, “Ўзбекистон Республикасининг давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга ҳамда Хоразм вилоят статистика бошқармасининг Низомига, шунингдек бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

5. Бўлим ўз фаолиятини статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига киравчи масалалар бўйича бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари раҳбарлигига амалга оширади.

6. Бўлим ўз фаолиятини шаҳар ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

## **2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари**

7. Нарх статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари йиллик дастурига асосан статистик маълумотларни йигиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва тақдим этишни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш;

8. Нарх статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича шаҳар ва туман статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

9. Нарх статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

10. Шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан нарх статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

11. Статистика бошқармасининг бўлинмаларини статистик кузатув объектлари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш.

12. Давлат органлари, юридик шахслар, ҳалқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда статистика ахбороти билан таъминлаш;

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик ва чораклик статистик хамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

14. Нарх статистикаси соҳаси бўйича очик статистик маълумотларни давлат статистика органлари, бошка давлат органлари, ҳалқаро ташкилотлар нашрларида жойлаштириш учун ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш;

15. Хорижий статистика органлари билан нарх статистикаси соҳаси бўйича очик статистик ахборотларни алмашиш, республиканинг ривожланиши тўғрисида материалларни ҳалқаро статистик тўпламларда чоп этиш учун ахборотларни тайёрлаш;

16. Оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун нарх статистикаси соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

17. Нарх статистикаси соҳасига оид статистик маълумотлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш.

18. Нарх статистикаси ҳисботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда шаҳар ва туман статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

19. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда нарх статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш.

**Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:**

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, статистика бошқармасининг иш режаларини, бўлим иш режасини, Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича меъёрий-ҳукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этади ва ижроини таъминлайди, нарх статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва статистик маълумотларни тақдим этишини ташкил этади;

Давлат статистикасини ташкил этиш соҳасида қонун хужжатларини янада такомиллаштири ва ҳужжат лойиҳаларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва тегиши органларга киритиш бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этади;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, Нарх статистикаси бўйича шаҳар ва туман статистика бўлимлари фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

Бўлимнинг иш усулларини янада такомиллаштириш, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва муносабат билдириш, ходимларнинг юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун масъулиятларини оширади;

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функциялағни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг мухим устивор йўналишларини, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини, иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди;

Шаҳар ва туман статистика бўлимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Корхона ва ташкилотларга нарх статистикаси бўйича ахборотларни шакллантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Нарх статистикасига оид статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишида замонавий ахборот технологияларидан ғамарали фойдаланишни таъминлайди;

Белгиланган тартибда бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

### **3-боб. Бўлимнинг хукуқлари ва жавобгарлиги**

**Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хукуқларга эга:**

20. Статистика бошқармаси бўлинмалари ва худудий статистика органларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

21. Юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган шаклларда ва муддатларда статистик маълумотларни сўраш ва олиш;

22. Нарх статистикасига оид ҳисботлар шаклларини, танлама кузатув сўровномаларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

23. Бўлим ваколатларига кирадиган масалаларни кенгашда муҳокама қилиш учун маълумотлар тайёрлаш;

24. Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ышлар ижросини назорат қилиш

ва мувофиқлаштириш.

25. Бўлим қўйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ъа бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Нарх статистикасини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритилишини таъминлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равища такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

**Бўлим: ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;**

26. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси карорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Хукумат қарорлари, фармойишлари, Давлат статистика кўмитаси, Вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисбот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

27. Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сакланишини таъминлаш учун жавоб беради.

#### **4-боб. Бўлимнинг тузилмаси**

28. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлигини, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош мутахассис, ва етакчи мутассисини ўз ичига олади.

29. Бўлимга Бўлим бошлиғи раҳбарлик қиласи.

30. Бўлим бошлиғи ва бўлим мутахассислари бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

#### **5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

31. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Конуни, ушбу Низом, Давлат статистика қўмитаси буйруклари ва қарорлари, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика қўмитасининг I ва II ярим йиллиги учун иш режалари, Нархлар статистикаси бошқармасининг йиллик иш режаси, Вилоят статистикаси бошқармасининг йиллик иш режаси ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

32. Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари вилоят статистикаси бошлигининг биринчи ўринбосари ва Вилоят статистикаси бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

33. Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг ва Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти топширикларини электрон хужжат айланиш тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бошқарманинг ойлик ҳисботини тузиш орқали ташкил этилади.

#### **34.Бўлим бошлиғи:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз мутахассисларнинг ишини ташкил қиласи, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Статистика бошқармасининг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек раҳбариятнинг топшириғига биноан Бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гурухлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари билан биргаликда Бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Ходимлар томонидан Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

Статистика бошқармасининг ва Бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

норматив-хукукий хужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;


Бўлим кадрлари заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи хужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қиласи, ходимлар томонидан хизмат хужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибиغا амал қилинишини таъминлайди.

Бўлим бошлиғи вақтингчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

Бошқарма бошлиғининг  
биринчи ўринбосари

 А.Ўтамуратов

Бошқарма юрисконсульти

 У.Бекдурдиев

Бўлим бошлиғи в.б

 С.Яқубов